ЎСМИР ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАР ИЖТИМОИЙЛАШУВИ

К.ТУРҒУНБОЕВ, М.ЗУЛУНОВ

В данной статье расмотрены вопросы социализации подростков в современном обществе.

The article touches upon issues of socialization of teen-agers in modern society.

Президентимиз И.А.Каримов “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференция (2012 йил 16-17 февраль, Тошкент)да сўзлаган нутқида, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да илгари сурилган масалаларга ўз эътиборини қаратиб, қуйидаги фикрларни айтиб ўтди: “Ушбу дастур одамларнинг, биринчи навбатда, унибўсиб келаётган авлоднинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, бу дастур ҳаётда ўз фикрига, ўзининг қарашлари ва қатъий позициясига эга бўлган ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўяди” [1].

Белгиланган мақсадни амалга ошириш, республикамиздаги аҳолининг 35 фоизини ўсмир ёшдаги болалар ташкил этишини ҳисобга олсак, жамиятимизнинг иқтисодий тараққиётини янада юксалтиришда катта куч бўладиган ўсмир ёшлар ижтимоийлашув жараёнининг тезлашувини таъминлайди, бу эса таълим муассасаларининг фаолиятини самарали йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратишни талаб этади.

Маълумки, ижтимоийлашув жараёни, айниқса, ўсмир ёшидаги ўқувчиларда ўзига хос тарзда кечади. Агар бу ёшдаги ўқувчиларнинг ижтимоийлашувидаги жараёнлар жамиятда содир бўлаётган ўзгаришлар, айниқса, кишиларнинг ҳаётга турлича қарашлари билан бевосита боғлиқ тарзда кечиши назарда тутилса, мазкур масалага алоҳида эътибор билан ёндашиш зарурлиги аён бўлади. Айниқса, айрим ўсмир ёшдаги ўқувчилар ижтимоийлашувидаги баъзи нохуш кўринишлар маълум даражада жамиятда содир бўлаётган глобаллашув жараёнлари билан, уларнинг таъсирида кишилар турмуш тарзи, хулқ-атвори, дунёқарашида юз бераётган ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ деб ҳисоблаш мумкин. Учинчи мингйилликнинг ўзига хослиги инсон ҳаётий фаолиятида тўқнаш келадиган ностандарт ҳолатларнинг стандарт ҳолатлардан кўплиги билан характерланади.

Мазкур ҳол фанда маълум кризисни келтириб чиқаради, яъни бугунги кун социумининг ривожланишини олдиндан лойиҳалаш ва уни бошқаришда маълум мураккабликларга сабаб бўлади.

Кундалик турмуш шароитининг тезкор янгиланиб бораётгани шунга мос қадриятларни шакллантириш вазифаларини ҳал қилиш ва шу билан бирга уларнинг анъанавий қадриятлар билан ўзаро боғлиқлигини йўлга қўйишда юзага келувчи муаммоларни тезкор ҳал қилишни тақозо этади.

Айрим ёшларнинг жамиятдаги мазкур ўзгаришларга ўзига хос қарашлари мавжудлигини, масалан, амалдаги меъёр ҳамда қадриятларга эътироз билдириш, улардан воз кечиш каби ҳолатларнинг юзага келаётгани, бунинг оқибатида бугунги кундаги инсон фаолиятида самарали натижа бераётган меъёрлар таъсирига айрим ёшларнинг қарама-қарши тураётганини ҳам эътироф этиш лозим.

Агар маълум тушунча – девиант хулқни жамиятда қабул қилинган ҳуқуқий ва хулқий меъёрлардан оғувчи хулқ деб қабул қилсак, у ҳолда девиант хулқни ижтимоий меъёр сифатида эътироф этишдек парадоксал тасдиққа келиш мумкинки, бундай ҳолат мустаҳкам ривожланиш учун зарур бўлган имкониятларни амалга оширишга тўғаноқ бўлади.

Бугунги кун социумининг ўзига хослигида юқорида санаб ўтилганлар ўсмир ёшдаги ўқувчиларни ижтимоийлашувига салбий таъсир кўрсатади. *Шу ёшдаги ўсмирларга хос ўзиникини маъқуллашга бўлган интилиш, жамиятда ижтимоий қабул қилинган ва тасдиғини топаётган ҳаракатларни излашга интилиш, шунингдек, ҳозирги замон ахборот муҳити девиант хулқлилар учун ўз ўрнини топишида энг самарали методлардан деб ҳисоблашлари ўз позициясини белгилашга муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.*

Бундай қарашлар қуршовида айрим ҳолларда ушбу ғояларни назорат қилишдаги эътиборнинг сусайиши, қадриятларга зид бўлган тарғиботларнинг кучайиши ёшлар ижтимоийлашувини қийинлаштиради. *Айниқса, ўсмир ёшида, яъни шахс дунёқарашининг шаклланаши кечаётган, ижтимоий муҳитни англаб етиш, унга мослашиш, ижтимоий муносабатларга киришиш айрим ижтимоий гуруҳлар (жамият манфаатларига мос бўлган ёки унга зид қарашларга эга бўлган) фаолиятида иштирок этиш жараёнида ижтимоийлашув масаласи ўта долзарблик касб этади.* Бундай мураккаб масаланинг ҳал этилишида фақат битта таълим муассасига бутун маъсулиятни юклаб бўлмайди. Чунки,

бола нафақат таълим муассасасида, балки оила социумида, турли муассасаларда, турли ижтимоий институтлар ёрдамида ҳам шаклланиб боради.

Ҳозирда ностандарт ҳолатларнинг содир этилаётгани, турлича ижтимоий муносабатларнинг мавжудлиги ижтимоий қадриятларни болаларга етказувчи оила институтлари, уларнинг йўналишларида ҳам маълум ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. *Моддий эҳтиёжни таъминлаш учун кураш, маънавий-аънавий қадриятларни ўзлаштириш ва уларни болалар онгига сингдириш учун айрим оилалар вақт ажратиш имконига эга бўла олмаётганини ҳам эътиборга олиш зарур.*

Усмир ёшдаги ўқувчиларнинг ижтимоийлашув видаги салбий кўринишларнинг ортиб бориши, шунингдек, уларнинг ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини ҳурмат қилишидаги фаолликнинг сусайиши билан ҳам характерланади. Бизга маълумки, қадриятлар нафақат муҳитнинг, балки инсоннинг ижтимоий ҳаётга муносабатларига ҳам боғлиқ. Жамият тараққиётини таъминловчи битта муҳим омил - бу ҳам бўлса, доимий яратувчилик ва такомиллашувга, ўз қадриятлар тизимининг яралишига бўлган онгли, фаол маданий-манавий муносабатларни шакллантиришдан иборат.

Учинчи минг йилликнинг бошларида юзага келган ривожланишнинг ижтимоий-маданий механизми, ўз-ўзини бошқаришнинг қимматли технологияларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратиб берди. Бу эса ўз ўрнида мустақил тарзда ва, шунингдек, бошқа инновацион технологиялар билан биргаликда улардан фойдаланиш учун ҳам муҳит пайдо қилди.

Бу борада жойларда ташкил қилинган таълим марказлари фаолиятини кўрсатиш мумкин. Ушбу марказлар фаолиятини турли идораларнинг соғлом социуми ва уларнинг таълим соҳасидаги ишларини жамият ва давлатнинг самарали ҳамкорлигини амалга оширишдаги фаолияти сифатида келтириб ўтиш ўринли. Маҳаллаларда, микрорайонларда болаларнинг ўзига хослигини, таълим муассасалари муаммоларини, инфратузилмалар (таълим тизими, маданият, соғлиқни сақлаш) имкониятларини ўрганувчи тизимли лойиҳалаш билан шуғулланувчи оила марказлари фаолияти жамиятни соғломлаштирувчи таълим муассасаларини яратиш ва унда социум имкониятларидан янада самарали фойдаланишга қаратилмоғи зарур.

Бугунги кунда, айниқса, асосида ижодий ижтимоий буюртма мавжуд бўлган тизимни лойиҳалаш, технологиялаш жамиятимизда кўзга ташланаётган бузғунчи ҳолатларга тескари бўлган ижтимоий қадриятлар тизимини яратиш учун шароит билан таъминлайди. Соғлом социумнинг (маҳалла, микрорайон, район, регион) таълим тизими тўғрисидаги жамоатчилик фикрини ўрганиш воситасида ижодий-ижтимоий буюртмани шакллантириш ва кўпинча маблағ сарф қилмасдан туриб ёки минимал ҳаражат даражасида мавжуд лойиҳаларни амалга ошира оладиган имкониятларни аниқлаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун эса респондентлар ўртасида ўтказиладиган сўров вақтида нафақат уларнинг мазкур муаммога муносабати, балки уларнинг ушбу муаммо ечимида иштирок этишга тайёргарлиги ҳам аниқланади. *Бир вақтнинг ўзида учта масала ҳал этилади:*

- таълим тизимини ривожлантириш дастурида сармояни тежаш бўйича банк имкониятлари шаклланади;
- мазкур регион ижтимоий-маданий муҳитини ривожлантириш учун тузилаётган таълим тизимининг долзарблиги таъминланади;
- соғлом социум таълим тизимини ривожлантиришга таълим жараёнининг қатнашчиларида юқори мотивация юзага келади. *Бу эса ўз ўрнида ижодий-ижтимоий буюртмани шакллантириш методикасида бир нечта босқичларни изчил босиб ўтишни талаб этади:*

1. Таълим тизими ишларининг реал ҳолати ва натижалари тўғрисида таълим жараёни иштирокчилари, юқори ташкилот ва бошқармаларни ҳабардор қилиш.
2. Таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган таълим жара ёни қатнашчилари, юқори ташкилот ва бошқармаларнинг таклифларини таҳлил этиш. Ушбу босқичнинг ўзига хослиги шундаки, ўзлари иштирок этадиган субъектлар ҳеч бўлмаганда битта таклифни илгари суриши зарур.
3. Кўшимча маблағ ёки давлат томонидан ва бошқа манбалар томонидан минимал харажат сарф қилиш тўғрисидаги таклифларни амалга ошириш юзасидан социумнинг тайёргарлигини баҳолаш.
4. Социумнинг тизимли имкониятларини самарали фойдаланишга қаратилган қарорни танлаш.
5. Таълим жараёни иштирокчилари кучи билан бошқарув қарорини тайёрлаш.
6. Таълим жараёни қатнашчилари кучи билан мазкур район таълим дастури ва таълим тизимини ривожлантириш дастурини белгилаш.
7. Ижтимоий буюртма асосида шаклланган таълим дастури ва таълим тизимини ривожлантириш дастурини амалга ошириш.
8. Ижодий-ижтимоий буюртмани амалга ошириш натижасида мазкур райондаги ижтимоий-маданий ривожланиш даражасини сифат кўрсаткичлари асосида тадқиқ этиш.
9. Тадқиқот натижаларини эълон қилиш ва яқин келажак учун белгиланган вазифалардан келиб чиқиб бошқарув технологияларига тузатишлар киритиш.

Ижодий-ижтимоий буюртмани бажариш жараёнида олинган ахборотлар келажакда иштрокчилар кучи билан ижтимоий тизимни лойиҳалаш учун хизмат қилади. Бу ўринда мазкур масала билан қизиқувчи, шу соҳада маълум тайёргарликка эга бўлган ҳамда ушбу ишларни бажариш учун тайёр бўлган шахсларнинг биргаликдаги фаолиятини йўлга қўйиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Бундай тизимли ёндашув натижаси, **бир томондан,** таълим жараёни қатнашчиларида меҳнатни илмий ташкил этиш кўникмаларини шакллантириш, дастурий мақсадни режалаштириш усул, шакл ва методлари билан таништириш, ижтимоий тизимни яратиш ва ривожлантириш бўлса, **иккинчи томондан** – ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлик ҳиссини шакллантириш, атрофимиздаги воқеалар билан ўз фаолиятларини келишиб амалга ошириш зарурияти ва эҳтиёжини англаб етишга олиб келади.

Янги кўринишдаги таълим муассаси ёшларни бўлажак оилавий муносабатларга тайёрлашда тўлиқ таълимий тизимни амалга оширишга ёрдам беради. Бундай метод XXI аср талабларига жавоб беради. Бунинг ўзига хослиги инсон имкониятлари ва лойиҳалашнинг замонавий методлари билан тўғри келишида ифодаланади. Бу эса таълим жараёни иштирокчиларининг ижодий қобилиятларини маълум босқичга кўтаришга имкон беради ва у ўз ўрнида тарбия тизимининг мустаҳкам ривожлантиришни таъминлайди.

Янги типдаги мактаб илмий ва таълимий муассаса вазифасини бажариш билан бирга янгича дунёқараш ва педагогик яроқлиликка эга бўлган келажак авлод мутахассисларини тайёрлашдек муҳим муаммони ҳал этишга ҳам қаратилган таълим маскани бўлиб қолиши керак.

Шахс, оила, гуруҳ ва бошқаларда ижодий қадриятлар, маданий муносабатларни тарбиялаш уларда тўғри ижтимоийлашувни кафолатлайди. Бу ўринда ёшларни жамиятни стабиллаштирувчи восита сифатида шакллантиришга қаратилган давлат дастурлари ва оилавий марказлар лойиҳаларининг аҳамияти, айниқса, ўта таъсирчанлиги билан характерланади.

Буни республикамиздаги оилалар мисолида, ўз-ўзини бошқариш, ўсмирларни ижтимоийлашув жараёнига самарали тайёрлаш борасида нафақат давлат – ижтимоий бошқарув тизими ва таълим муассасаларида шахс моделини лойиҳалашни амалга оширувчи марказ сифатида мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам эътироф этилаётганида кўриш мумкин.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. // Халқ сўзи.- 2012.- 18 февраль
2. Турғунова С.Т., Махсудова Л.А. Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш.- Т.: Фан, 2009
3.Ижтимоий ҳимоя. Атамалар изоҳли луғати.- Т, 2007
4. Қуронов М.Қ., Қурбонниёзова З.Қ. Ижтимоий педагогика. Т., 2003
5. Исақова М. Шахс ижтимоийлашувида маҳалла. // Халқ таълими.- 2003.- № 3

Андижон давлат университети,
2012 йил 15 майда қабул қилинган
.(Тақризчи: проф. Т.Х.Ҳасанов)